

Жамиятда демократик тамойиллар ва умуминсоний кадрларнинг мустақам қарор топиши, жамоатчилик фикрини шакллантириш, айниқса, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Шу боис давлатимиз раҳбари раҳнамолигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг мустақил ва холис фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг эркин фаолият юритишларига, касб малакаси, ижодий маҳоратини ошириш учун юртимизда кенг имконият ҳамда ҳуқуқий асослар яратилган.

МАСЪУЛЛИК ВА ХОЛИСЛИК — ҚОНУН ТАЛАБИ

Хусусан, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни оммавий ахборот воситалари ходимларининг мустақил фаолият юритишларини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, ушбу ҳужжат журналистларнинг эркин фаолиятини кафолатлайди, айна пайтда журналистлик ишининг самарали ташкил этилишига замин яратади. Буни мазкур Қонуннинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, айна пайтда вилоятда 47 та газета, 3 та журнал ва битта электрон оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган. Буларнинг 25 таси туман ва шаҳар ҳокимликларига қарашли бўлса, шулардан 7 таси тармоқ ва 2 таси давлат газетаси ҳисобланади. Бундан ташқари, Тошкент вилояти ҳудудида радиодастурлар тайёрлаш ва узатиш ишлари "Орият" телерадиоканали, "Пўлат", "Олмалик ТМК" телестудиялари, "Орбита" ТРК телерадиостанциялари тайёрлаш ва узатиш студияси, "Бекобод ойнаи жаҳони" телевидениеси, "Чирчиқ-ТВ" хусусий корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Уларда мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жараёнлар, ўзгаришлар батафсил ёритиб борил-

моқда. Шунингдек, мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда ҳам вилоятдаги оммавий ахборот воситалари фаол иш олиб бормоқда.

Айтиш жоизки, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоятнинг аксар нашрларида, жумладан, Бўстонлик, Паркент туманлари ва Чирчиқ шаҳар ҳокимликлари муассислигида нашр этилаётган "Бўстонлик овози", "Бўстондик довуси", "Паркент тонги", "Чирчиқ тонги" ва "Чирчиқ" газета таҳририятларида муайян ишлар амалга оширилган. Чунончи, газеталар таҳририятлари замонавий техник жиҳоз ва қурилмалар билан таъминланган. Журналистларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ижобий ҳал этиш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Булар, табиийки, матбуот саҳифаларининг янада сермазмун ва ўқишли бўлишига замин яратаётди. Масалан, қўмита ишчи гуруҳи ўрганишларида қайд этилишича, газета саҳифаларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар хусусида таҳлилий, танқидий мақолалар эълон қилинган. Айна пайтда газета саҳифаларида турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик, тотувликни ва бирдамликни мустақамлашга, рағбат-

лантиришга қаратилган туркум мақолалар ҳам ўрин олганки, булар кўп миллатли вилоят аҳолисининг истагу хоҳишлари билан ҳамоҳангдир.

Маълумки, Қонуннинг амалда тўғри ва самарали татбиқ этилишида ижрочиларнинг ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини яхши англаб етиши катта аҳамиятга эга. Шу боис назорат-таҳлил ўтказилган таҳририятларда "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддаси талабидан келиб чиқиб, ижодий ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, касб фаолияти билан боғлиқ амалдаги қонунларни чуқур ўрганиш мақсадига турли тадбирлар уюштирилмоқда. "Давр ва журналист", "Сиз қонунни биласизми?", "Менинг Конституциям", "Ахборот асри ва информатсион хуружлар", "ОАВ соҳасидаги қонунчилик" каби мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар мунтазам ўтказиб келинаётгани вилоят қаламқашларининг соҳа қонунчилигидан хабардорлигини оширишга хизмат қилаётти.

Бироқ кенг тушунтириш ишларининг олиб борилаётганига қарамай, Қонунда белгиланган талаблар тўлиқ бажарилмапти. Масалан, ижодий жамоаларда атиги 6-7 нафар ходим таҳририят билан меҳнат шартномаси тузган. Ун нафарга яқин жамоатчи мухбирнинг айримларига хизмат гувоҳномаси берилган бўлса ҳам, улар билан таҳририят ўртасида меҳ-

нат шартномаси мавжуд эмас. Бу эса белгиланган меъёрларга зид бўлиб, жамоатчи мухбирларга журналист мақоми берилмаслигига, яъни, турли низоли ҳолларда Қонун таҳририятнинг мазкур жамоатчи мухбирларини журналист сифатида ҳимоя қила олмаслигига сабаб бўлади.

Қонун ижросини ўрганиш давомида таҳририятларда журналистлар тайёрлаган мақолаларга четдан аралашиб, уларнинг матнини ўзгарти-

риш ёки нашрдан олиб қилишга уриши ҳолатлари қайд этилмаган. Мазкур оммавий ахборот воситаларида ҳар бир журналистга давлат ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлардан монеликсиз, хоҳлаган ахборотни олиш ва тарқатиш учун етарлича шароит яратилган. Аммо иш жараёнида таҳририят ходимлари аниқлаган камчиликларни бартараф этиш учун хатога йўл қўйган субъектлар томонидан мuddат сўраш ҳолатлари учраб туради. Ваҳоланки, журналистнинг асосий вазифаси ахборотни олиш, таҳлил қилиш ва уни тезкорлик билан тарқатишдан иборатдир. Қолаверса, Қонуннинг 5-моддасида ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш ҳуқуқи батафсил баён қилинган.

Айрим газета таҳририятларида муаллифлик ҳуқуқларидан тўғри фойдаланиш ва тижорат мақолаларини қонун доирасида ташкил этишда турли хато ва камчиликларга йўл қўйилгани кўзга ташланди. Таҳлил жараё-

нида "Чирчиқ" газетаси реклама-тижорат материалларини ёритиб боришга эътибор билан қараши маълум бўлди. Бироқ айрим рекламаларга тижорат материали белгиси қўйилмаган. Масалан, 2009 йил 10 апрель ва 8 май сонларида "Вертебронол" дори воситаси реклама қилинган. Лекин унга реклама материали эканлиги белгиси қўйилмаган. Бу эса оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид қонунчилик меъёрларига зиддир.

Кузатиш жараёнида "Бўстонлик овози", "Бўстондик довуси", "Паркент тонги", "Чирчиқ тонги", "Чирчиқ" газеталари таҳририятларининг ходимлари Қонуннинг 11-модда талабларидан келиб чиқиб, бирорта давлат идораси ёки жамоат бирлашмасида аккредитация қилинмаганлиги аниқланди. Ваҳоланки, журналистлар Халқ депутатлари туман кенгаши, унинг доимий комиссиялари, ҳокимлик ва унинг бўлимлари фаолиятини мунтазам ёритиб келишмоқда.

Журналист деган шарафли касбни танлаш, одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслақдош бўлиш осон иш эмас. Шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги кунда давлатимизнинг, жамиятимизнинг доимий эътиборидадир. Айна чоғда фаолиятлари ўрганилган таҳририятлар ва муассислар газета таҳририятларини малакали кадрлар билан таъминлаш, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратишлари, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун етарли шароитлар яратиб беришлари лозим. Қолаверса, нашрларнинг шакл ва мазмунини бойитиш, уларнинг моддий-техника базасини ва молиявий аҳолини яхшилаш ҳамда обунасини кўпайтириш муассислар ва таҳририятлар олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Умуман, бугун вилоятдаги нашрлар ўқувчилар сафини кенгайтириши, чоп этилаётган мақола ва таҳлилий чиқишларнинг мазмунини, сифатини тубдан ошириши, аҳолини долзарб, холис ва тезкор ахборот билан таъминлаш зарурдир. "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда эса бу вазифаларни рўйбга чиқариш учун тегишли ҳуқуқий кафолатлар берилган. Навбатдаги вазифа — ушбу ҳуқуқ ва меъёрлардан самарали фойдаланишдан иборат.

Анора БОБОМУРОДОВА,
Арслон ЭШМУРОДОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлари.